

Тошкент шаҳри

“21” Инвар 2022 йил

Кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритиладиган “Тошйўловчитрансхизмат” УК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Атажанов А.И., бир томондан, ва кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган ЖХВУ академик ширин

номидан Устив асосида иш кўрувчи Директор Ш.Ч. Султанов

иккинчи томондан, шартнома бўйича биргаликда “Томонлар”, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖниг 2020 йил 18 ноябрдаги 204-сонли буйруғига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ қайта ташкил этиш йўли билан “Тошйўловчитрансхизмат” УКни ажратиб чиқариш ва фаолиятини қайта тиклаши сабабли, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома мавзуси

1.1. Ушбу шартнома шартларига асосан “Буюртмачи” буюртма беради ва буюртма ҳақини тўлайди, “Ижрочи” эса Тошкент шаҳри йўловчи ташиш транспортида юриш учун транспорт карталари сотади ва уларни ҳисобини тариф режалари билан тўлдиради

II. Шартнома киймати

2.1. Давлат корхонаси бўлган “Буюртмачи”га транспорт карталари ва тариф режаларини сотиб олиш учун ушбу шартномага асосан бюджет маблағларидан ташқари, бошқа манбалардан олинган маблағлар харажатлари 996000 Тўғрисиқ юз тўқсон олти минг сўми ташкил этади.

2.2. Юқорида кўрсатилган маблағдан ташқари транспорт карталари ва тариф режалари сотиб олинса ёки транспорт карталари ва тариф режаларининг нархи ошган тақдирда, бу маблағни “Буюртмачи” бошқа бюджетдан ташқари манбалардан олган ўзининг маблағлари ҳисобидан тўлайди.

III. Тўловлар тартиби

3.1. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва тариф режаларини “Буюртмачи” га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига биноан олинаётган транспорт карталари ва тариф режалари учун “Буюртмачи” томонидан олдиндан 100 % пул маблағлари тўланиб, “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг ҳамда ушбу маблағлар миқдориди, “Буюртмачи” нинг кафолатли шахслари орқали ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда шахсга тегишли паспортнинг асл нусхаси тақдим этилган тақдирда, сотилаётган кундаги прејскурсант нархларига мувофиқ сотилади.

IV. “Томонлар”нинг мажбуриятлари

4.1. “Ижрочи” ўзига қуйидаги мажбуриятларни олади:

4.1.1. Ҳар ойда “Буюртмачи” томонидан транспорт карталарига тариф режаларини тўлдириш учун олдиндан ўтказилган пул маблағига асосан қуйидаги манзилда амалга оширилади: 100100 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1 тор-кўчаси, 6-уй.

4.1.2. “Ижрочи” ҳар ойнинг 20 санасидан бошлаб транспорт карталарини сотиш ва тўлдириш учун “Буюртмачи”дан буюртма қабул қилади ва ҳужжатларни расмийлаштиради. Ҳар ойнинг 20 санасидан 25 санасигача соат 8-00 дан 17-00 гача (12-00 дан 13-00 гача танаффусдан ташқари, шанба ва якшанба дам олиш кунлари.) “Буюртмачи” га расмийлаштирилган ҳужжатларга асосан транспорт карталари берилади ва уларга тариф режалари ўтказиб берилади.

“Ижрочи” имтиёзли транспорт картани сотишдан олдин, “Буюртмачи” томонидан имтиёзли транспорт картасидан фойдаланадиган ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва гувоҳнома нусхасини қабул қилиб олади.

4.1.3. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва уларга тўлдирилган тариф режалари счёт-фактура-юк хати асосида “Буюртмачи”га берилиб, унда транспорт карталари ва тўлдирилган тариф режаларини сони (доналарда), нархи, жами суммаси, серияси ва рақамлари, шунингдек қолдиқ суммаси кўрсатилади.

4.1.4. "Ижрочи" томонидан транспорт карталари ва тариф режалари "Буюртмачи"га ўтказиб бериладиган вақтида, уларнинг нархлари ўзгарган тақдирда, "Буюртмачи" томонидан тўловнинг қайси кунда амалга оширилганидан қатъий назар, "Буюртмачи"нинг ишончномаси, қўшимча тўланган пул маблағи ҳақидаги тўлов топшириқномаси ва банкдан "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган тақдирда, шу кундаги ўрнатилган нархда сотилади.

4.1.5. "Буюртмачи" "Ижрочи"нинг счё-фактура-юк хати бўйича қолдиқ пул маблағларига норозилик билдирса, у ҳолда "Ижрочи" "Буюртмачи"га таққослаш учун компьютер архивидан босмаланган солиштирма далолатномани тақдим этади.

4.1.6. "Томонлар" ўзаро ҳисоб-китобда қолдиқ суммани аниқлашлари учун икки томонлама солиштирма далолатномани имзолашлари мумкин.

4.1.7. "Буюртмачи" фойдасига ижобий қолдиқ бўлганида шартнома муддати тугаганда ёки бекор қилинганда ёки "Буюртмачи"нинг талабномасига биноан "Ижрочи" солиштирма далолатномага асосан қолдиқ маблағини "Буюртмачи"га 3 (уч) банк куни ичида қайтариши лозим.

4.1.8. "Ижрочи" йил якунида, шартнома муддати тугаши ёки шартнома муддатидан олдин тугатилиши муносабати билан ҳамда лозим бўлганида, "Томонлар"нинг имзоси билан тасдиқланадиган, солиштирма далолатномасини расмийлаштириши зарур.

4.2. "Буюртмачи" ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

4.2.1. "Буюртмачи" олинadиган транспорт карталари ва тариф режалари пул маблағларини "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиши ва транспорт карталари ва тариф режаларини ишончнома, шахснинг паспорти ва "Ижрочи"нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағлари тушгандан сўнг шартноманинг 4.1.2. бандида кўрсатилган муддатларда олиши лозим.

4.2.2. "Буюртмачи" оладиган транспорт карталари ва тариф режалари сони ва турини ўзгартирса, вақтинча олишни тўхтатса ёки шартномани бекор қилса, бу ҳақда "Ижрочи"га 20 (йигирма) кун олдин ёзма равишда хабар қилиши лозим.

4.2.3. "Буюртмачи" олинadиган транспорт карталари ва тариф режалари пул миқдори бўйича қарздор бўлиб қолса (шартноманинг 4.1.6.), шу қарзларни, қарз пайдо бўлган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида тўлаши лозим.

4.2.4. "Буюртмачи" йил якунида, шартнома муддати тугаши ёки шартнома муддатидан олдин тугатилиши муносабати билан ҳамда лозим бўлганида, "Томонлар"нинг имзоси билан тасдиқланадиган, солиштирма далолатномасига имзо чекиши лозим.

V. "Томонлар"нинг ҳуқуқлари

5.1. "Ижрочи"нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. "Буюртмачи" транспорт карталарини харид қилишда ва тулдиришда ушбу шартноманинг 4.2.1. бандида кўрсатилган муддатдан кейин мурожаат қилса, "Ижрочи" транспорт карталарини сотишга ва тариф режаларини тулдиришга эътироз билдириш ҳуқуқига эга.

5.1.2. "Ижрочи" муддати ўтган дебитор қарзларни "Буюртмачи"нинг розилигисиз унинг банки орқали бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатномасида акс эттирилган қарздорликни, тўлов талабномаси асосида талаб қилиш ва ундириш ҳуқуқига эга. "Буюртмачи" ушбу шартномани имзолаши билан ўзининг ҳисоб рақамидан тўлов талабномаси ва солиштириш далолатномасига асосан ўзининг розилигисиз қарз бўлган пул маблағларини "Ижрочи" томонидан бўлинишига розилик билдиради. Мавжуд қарзни ундириш учун тўлов талабномаси "Буюртмачи"нинг факат бюджетдан ташқари депозит ҳисоб рақамига юборилиши мумкин.

5.2. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. "Буюртмачи" харид қилинган транспорт карталари ва тариф режалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни таққослаш учун "Ижрочи"дан компьютер архивидан босмаланган солиштирма далолатномани бепул олиши мумкин.

5.2.2. Шартнома, унинг амал қилиш муддатидан илгари, бекор қилинган тақдирда солиштирма далолатномасига асосан "Буюртмачи" фойдасига пул маблағи қолдиғи мавжуд бўлган тақдирда, "Буюртмачи" ушбу қолдиқни "Ижрочи"дан қайтариб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

VI. транспорт карталарининг сони, нархи ва сифати

6.1. Сотилаётган транспорт карталарининг ва тариф режаларнинг нархи, тўла суммаси ва сони шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган счё-фактура-юк хатида кўрсатилади.

6.2. Сотилаётган транспорт карталари сифати тайёрловчи ташкилотнинг техник талабларига жавоб беради.

VII. "Томонлар"нинг жавобгарлиги

7.1. "Буюртмачи" томонидан тўлов муддати бузилса, у "Ижрочи"га ҳар кечиктирилган тўлов куни учун тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.2. "Ижрочи" томонидан транспорт карталарининг бериш муддати бузилса, у "Буюртмачи" га ҳар кечиктирилган куни учун тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. "Томонлар" ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини етарли даражада ёки тўлиқ бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида жавобгардирлар.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. "Томонлар" ушбу шартнома бўйича маъсулиятни қисман ёки тўла ҳолатда бажаришдан озод қилинади, агар бу ҳолат шартнома тузилгандан кейин енгиб бўлмас куч туфайли юзага келса, яъни фавқулодда ҳолатлар ҳар икки томон учун олдиндан қўйилмаган ҳолатлар бўлиб, уларни оқилона тадбирлар билан енгиб бўлмаса (форс - мажор).

8.2. Ушбу фавқулодда ҳолатларга қуйидагилар қиради: сув тошқини, ёнғин, zilзила, портлаш, бўрон, ер қўчиши, эпидемия ва табиатнинг бошқа офатлари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролар тартибсизликлари, террористик ҳаракатлар ва ҳ.к.

8.3. Форс - мажор ҳолатлари вужудга келганда мажбуриятларни бажариш муддати ушбу ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

8.4. Форс - мажор ҳолатига дучор бўлган томон 5 (беш) календар куни ичида шундай ҳолат юз бергани ҳақида бошқа томонни хабардор қилиши керак.

8.5. Форс - мажор юзага келиши ҳақида хабарнома вақтида юборилмаса, айбдор томон бошқа томонга етказилган зарарни тўлаши шарт.

8.6. Форс - мажор ҳолатларига ишора қилувчи томон, уларни тасдиқлаш учун, ваколатли давлат органининг ҳужжатини тақдим этиши шарт.

IX. Низоларни ҳал этиш

9.1. Ушбу шартнома ижросидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликларни "Томонлар" музокаралар йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилишади.

9.2. Агар ушбу шартнома ижроси бўйича низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, ушбу низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал этилиши лозим.

X. Бошқа шартлар

10.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган "Томонлар" ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, "Томонлар"нинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

10.2. Сотилган транспорт карталари ва транспорт карталарига тўлдирилган тариф режалар қайтариб олинмайди ва алмаштирилмайди.

10.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир томон учун бир нусхадан, тузилади.

10.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

10.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва "Томонлар" уларни имзолаган тақдирда, ҳақиқий ҳисобланади.

10.6. "Томонлар"нинг ҳеч бири, "Томонлар"нинг ёзма розилигисиз, ушбу шартнома бўйича ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи томонга бериши мумкин эмас.

10.7. Ушбу шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.8. "Томонлар" шартнома (келишув) тузаётганларида шартномага (келишувга) имзо чекиш ҳуқуқи бўлган шахсларнинг факсимилеси механик ёки бошқа нусха қўчириш воситасида ишлатилиши мумкин, шунингдек, факсимиле ушбу шартнома доирасида керакли бўлган ҳужжатларга ҳам ишлатилиши мумкин, агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида факсимилени бу ҳужжатларда ишлатиш тақиқланмаган бўлса.

10.9. "Томонлар", уларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, ушбу ҳақида бир-бирларини 10 (ўн) кун давомида ёзма равишда хабардор қилишлари лозим.

XI. Шартноманинг муддати

11.1. Мазкур шартнома "Томонлар"нинг вакиллари имзолаган кунидан бошлаб кучга киради ва "31" сентябрь 2022 йилгача амал қилади.

11.2. "Томонлар"нинг шартнома бўйича мажбуриятлари ижроси, шартноманинг амал қилиши муддати тугашидан қатъий назар, тўлиқ таъминлангунга қадар давом этади.

11.3. Агар "Томонлар"дан бири ушбу шартномани амал қилиш муддатидан олдин тугатилиши истагини билдирса, у ҳолда бошқа томонни камида 20 (йигирма) календар кун олдин ёзма равишда хабар қилиши керак.

XII. "Томонлар"нинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

"Ижрочи"	"Буюртмачи"
"Тошйўловчитрансхизмат" УК 100000, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тоғ кучаси, 6-уй. Тел.: (71) 233-08-48; (71) 233-58-21 Ҳисоб рақами: 2021 0000 3004 1519 8001, "ORIENT FINANS" хусусий акциядорлик тижорат банкининг Юнусобод филиали, банк коди - 01075. Идентификация рақами СТИР (ИНН)- 201 121 832. Тармоқ коди ИФУТ (ОКЭД) – 52210 ККС (қўзғалдириш) рўйхатдан ўтган коди 326 030 021 078.  Директор <u>Атажанов А.И.</u> Хўш келимисиз <u>Н.Я. Дедамжамедова</u> Тўловчи рақами ЮК № 009715	<u>ТХВУ саноатли минерал</u> (бюджет маблағини олувчининг номи) Манзил: <u>Тошкент шаҳри, Юнусобод кўчаси 254</u> Тел./факс: <u>(71) 232-44-26</u> Ш/рақами: <u>400110860262434092500240001</u> Банк номи _____ Ҳисоб рақами _____ Банк коди <u>00014</u> ИНН <u>301220120</u> ИФУТ (ОКЭД) <u>25.320</u> Ҳазначилик бўлимининг номи <u>Ҳ.Рес. Машина</u> Ҳазна рақами <u>3340280380100001010</u> Банк номи <u>РКБ Ёшлар ўлими ва таълим</u> Банк коди _____ Ҳазначилик бўлимининг ИНН <u>201122919</u> Раҳбар <u>Султанов</u> (Масъуль раҳбар) 

В соответствии со ст. 21 Закона РУз «О договорно-правовой деятельности хозяйствующих субъектов» проведена правовая экспертиза проекта настоящего договора (контракта, полиса).

Условия и оформление настоящего договора (контракта, полиса) соответствует требованиям ст. 10, 11 Закона РУз «О договорно-правовой деятельности хозяйствующих субъектов», Гражданского Кодекса РУз и в целом отвечает требованиям законодательства, регламентирующим процедуру заключения и содержания хозяйственных договоров.

Мера ответственности сторон и порядок разрешения споров также соответствует законодательству.

Настоящее заключение не направлено на определение правильности ценообразования.

СПЕЦИФИКАЦИЯ

ойлик йул транспорт карталарини олиш учун

20 22 йил " 21 " Инварь даги № 9 шартномага

		Ойлар								
Т.Р.	ТК серияси	январь			февраль			март		
		сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси
1	«N»									
2	«T»									
3	«O'»									
4	«AV»									
5	«NM»									
6	«TM»									
7	«O'M»									
8	«AVM»	2	166000	332000	2	166000	332000	2	166000	332000
Жами ой бўйича		332000			332000			332000		

		Ойлар								
Т.Р.	ТК серияси	апрель			май			июнь		
		сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси
1	«N»									
2	«T»									
3	«O'»									
4	«AV»									
5	«NM»									
6	«TM»									
8	«AVM»									
Жами ой бўйича		—			—			—		

		Ойлар								
Т.Р.	ТК серияси	июль			август			сентябрь		
		сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси
1	«N»									
2	«T»									
3	«O'»									
4	«AV»									
5	«NM»									
6	«TM»									
7	«O'M»									
8	«AVM»									
Жами ой бўйича		—			—			—		

Т.Р.	ТК серияси	Ойлар								
		октябрь			ноябрь			декабрь		
		сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси	сони	нархи	суммаси
1	«N»									
2	«T»									
3	«O'»									
4	«AV»									
5	«NM»									
6	«TM»									
7	«O'M»									
8	«AVM»									
Жами ой бўйича		—			—			—		
Ҳаммаси бўлиб		996 000								
Ҳаммаси бўлиб сўз билан		Тўғридан тоғ тўғсон олти минг								

"Ижрочи"

"Тошйуловчитрансхизмат"УК
100000, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Амир Темур 1-тор кучаси, 6-уй.
Тел.: (71) 233-08-48, (71) 233-58-21
Ҳисоб рақами: 2021 0000 3004 1519 8001,
"ORIENT FINANS" хусусий акциядорлик тижорат банкининг
Юнусобод филиали, банк коди - 01075,
идентификация рақами СТИР (ИНН)- 201 121 832,

ҚҚС тўловчилик рўйхатдан ўтган коди 326 030 021 078



Директор

Н.Я. Даламухамедова
Ҳужжатимизнинг № 14 00715

"Буюртмачи"

Тўловчи акциядорлик ширкати
Тош. ш. Шахрисабз қўғ 25-йў.
ҚР: 23402000300100001010
ИҚР: 400110860262434092500240001
РКВ Ил Ҳаф 15 2. Тошкент
ИНН: 3012201120 ОКЭД: 25320



Директор М. Ҳасанов М. Ҳасанова